

Oriental Journal of Philology**ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY**

journal homepage:

<http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about>**EFFECTIVE ORGANIZATION OF LECTURES IN FOREIGN LANGUAGES****Y.U. Abdurazzakov***Lecturer**Fergana State University**Fergana, Uzbekistan**E-mail: yusuffer@mail.ru***ABOUT ARTICLE**

Key words: communicative, innovative teaching, process, skills formation, motivation, educational technologies.

Received: 03.12.22**Accepted:** 05.12.22**Published:** 07.12.22

Abstract: This article discusses the issue of improving the effectiveness of teaching Deutsch in linguistic universities. It also describes innovative teaching methods and approaches in Deutsch. The possibilities of expanding the competences of professors and teachers in the field of modern teaching methods are highlighted in order to identify the key components necessary for the implementation of this model of teaching students a foreign language in a university.

ЧЕТ ТИЛЛАРИДАГИ МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛЛАШ**Ю.У. Абдураззоқов***Ўқитувчи**Фарғона давлат университети**Фарғона, Ўзбекистон**E-mail: yusuffer@mail.ru***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

Калит сўзлар: коммуникатив, инновацион ўқитиш, жараён, кўникмаларни шакллантириш, мотивация, таълим технологиялари.

Аннотация: Ушбу мақолада немис тилини ўқитиш самарадорлигини ошириш масаласи кўриб чиқилган. Шунингдек, унда маъруза машғулотлари жараёнида немис тилида инновацион ўқитиш усуллари ва йўллари баён этилган. Талабаларни чет тилида ўқитишнинг ушбу моделини амалга ошириш учун зарур бўлган асосий таркибий қисмларни аниқлаш учун замонавий ўқитиш услублари масалаларида профессор-ўқитувчиларнинг ваколатларини кенгайтириш имкониятлари ёритилган.

ЭФФЕКТИВНАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ ЛЕКЦИЙ НА ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКАХ

Ю.У. Абдураззаков

преподаватель

Ферганский государственный университет

Фергана, Узбекистан

E-mail: yusuffer@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: коммуникативное, инновационное обучение, процесс, формирование навыков, мотивация, образовательные технологии.

Аннотация: В данной статье рассматривается вопрос повышения эффективности обучения немецкому языку. Также описаны инновационные методы и способы преподавания немецкого языка на лекционных занятиях. С целью выявления основных компонентов, необходимых для реализации данной модели обучения студентов иностранному языку, выделены возможности расширения полномочий профессоров и преподавателей в вопросах современных методов обучения.

КИРИШ

Бугунги кунда жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳалари қатори, таълим ва фан соҳалари ҳам ривожланмоқда. Бу ривожланиш эса соҳа мутахассислари олдида бар қанча вазифаларни қўймоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Ҳукуматнинг, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда бутун таълим тизимининг, ҳурматли домлаларимиз ва профессор-ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифаси - ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир”.

АСОСИЙ ҚИСМ

Маълумки, маъруза машғулоти барча назарий аҳамиятга молик фанларнинг ажралмас қисми бўлиб, асосий маълумот берувчи манба сифатида муҳим ўрин тутди. Ушбу машғулотлар маърузачидан чуқур билим ва юқори мушоҳадани, изланишни талаб қилади. Маъруза машғулоти, шунингдек, ўқитувчилардан етказиб бериш маҳоратини ҳам талаб қилади. Бунда маърузачининг нафақат илмий салоҳияти, балки юксак педагогик маҳорати акс этади. Шунинг учун бугунги замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда маъруза машғулотларини ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Бунда интерактив усуллар маърузачи учун бир қанча қулайликлар яратади, шунингдек, талабаларнинг машғулотга бўлган қизиқишларини оширади. Билим беришнинг энг қадимги шаклларида бири бўлган маъруза ўқув муассаларида ҳозир ҳам кенг тарқалган ўқитиш усули ҳисобланади.

“**Маъруза** – ўқитишни ташкил этишнинг етакчи шакли бўлиб, қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

Йуналтирувчанлик – талабаларнинг диққати ўқув материалнинг асосий қоидалари, уни ўрганишдаги ҳамда бўлғуси касбий фаолиятидаги роли ва аҳамияти, уни ўзлаштириш методларига жалб қилинади.

Методологиклик – маъруза вақтида ўқиш усуллари таккосланаш, тадқиқот методларини қиёслаш, чоғиштиришга, илмий изланишнинг тамойиллари ва ёндашувларини аниқлашга ёрдам беради.

Тарбияловчилик – маъруза жараёнида ўқув материалга ҳиссий баҳо бериш муносабатларини ўйғотиш, қизиқишларини ўстириш, мантикий фикрлаш ва исботлашни ойдинлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Ахборотлилик – ўқитувчи томонидан асосий илмий фактлар, қоидалар, хулосаларнинг моҳиятини очиш чоғида амалга оширилади.

Ривожлантирувчанлик – билим олиш қизиқишларини, яъни мантикий фикрлаш ва исботлаш қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради”.

Шуни таъкидлаш керакки, маъруза қилиш аудитория рўпарасида шунчаки туриб, ўзи билган ҳамма нарсани айтиб бериш эмас. Маъруза бу мулоқотнинг махсус шакли бўлиб, унда овоз, ишоралар, хатти-ҳаракатлар, юздаги ифода, кўз қарашлари асосий маълумотни тўлдирувчи зарурий элементлар саналади.

“Маъруза” сўзининг луғавий маъносига эътибор берсак, у арабча *маърузатун* –ёзма арз, ариза сўзидан олинган. Рус тилидаги “лекция” сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, қандайдир муаммо, усул, мавзу бўйича материалнинг оғзаки тизимлаштирилган баёни деган маънони англатади.

Ўқитишнинг интерфаол усуллари кег тарғиб қилинаётган замонавий таълим тизимида маъруза машғулотлари танқид остига олинмоқда. Ғарбда бундай таълим усулига нисбатан танқидий муносабат бундан 200 йил олдин Самуэль Жонсон томонидан билдирилган: “Маърузалар қачонлардир фойдали бўлган, лекин ҳозир ҳамма ўқишни билган ва китоблар шунча кўп бўлган бир даврда маърузалар аҳамиятсиздир” дейди. Шунингдек, замонавий таълим менеждери Хеппнер ҳам шунга ўхшаш фикр беради: “Маъруза одамларга фактларни етказиб беришнинг саёз йўли бўлиб қолди, мутолаа ёки интернет анча самаралироқдир”. Бироқ, яхши ташкилланган маъруза энг янги маълумотларни беришда, материалларни тингловчиларнинг маълум гуруҳи билим даражасига ёки қизиқиш ҳамда эҳтиёжларига мослаштиришда ва, айниқса, асосий назариялар, тамойиллар ва фикрларни кўрсатиб беришда муҳим восита ҳисобланади. Албатта, китоблар, турли ҳил веб-сайтлар, ёки тайёр видео-маърузалар ёмон ташкилланган маърузадан фойдалироқ бўлади, бироқ

яхши маъруза ўзида ўрганишнинг юқори даражалари бўлган мустақил ва таҳлилий фикрлаш, муаммоларни ҳал қилиш кўникмаларини шакллантириш хусусиятларини жамлагани билан, шунингдек, фақат илмий асосланган фактларни етказиб бериши билан бирмунча самарадордир.

Жонли маърузанинг педагогик жиҳатдан афзал томонларидан бири шундаки, энг қадимги замонлардан бери билим олиш ўқувчи ва ўқитувчининг юзма-юз мулоқоти орқали рўй берган. Ўтказилган бир қанча тадқиқотлар ижтимоий мулоқот бўлмаган жойда билим олиш самарасизлигини кўрсатиб бермоқда. Чунки билим олиш учун ўрганувчи етарли даражада эътиборли ва ҳушёр бўлиши керак. Сергаклик ва диққат маърузачи таъсир эта олмайдиган бир неча физиологик ва ташқи омилларни ўз ичига олади. Лекин маърузанинг мазмуни, ташкилланиши, етказиб берилиши каби ўқитувчи назорат қила оладиган нарсалар ҳам тингловчи эътиборини жалб қилишда муҳимдир. Айниқса, маъруза мавзуси уларнинг кизиқишларига мос бўлса, аввал ўрганган нарсалари билан боғлиқ бўлса, турли рағбатлантириш усуллари қўлланилса, қачонки маъруза тингловчи диққатини неча дақиқагача жамлай олишини ҳисобга олган ҳолда тузилган бўлса, ўрганувчиларнинг диққатлиликлари юқори даражада бўлади.

ХУЛОСА

Умуман олганда, маъруза машғулотларида ўқитувчи томонидан тингловчиларга қарата берилган саволлар талабалар диққатини, интерфаоллиги ва дарсга нисбатан кизиқишини кучайтиради, маърузачига эса дарс давомида яккаҳокимлиқ қилишига йўл қўймайди. Шунингдек, баъзида талабалар берган жавоблар орқали мавзунинг маърузачи кўздан қочирган жиҳатларини ёдга олиш мумкин. Шунинг учун машғулотга тайёргарлик жараёнида тингловчилардан сўраладиган саволларни режалаштириб қўйиш дарснинг муваффақиятли амалга ошишига ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ш.Мирзиёев. Эркин Ва Фаровон, Демократик Ўзбекистон Давлатини Биргаликда Барпо Этамиз. Тошкент, 2016. 56 Б.
2. Амирсайдова Ш.М. Мутахассислик Фанлари Бўйича Маъруза Машғулотлари Ташкил Этиш. Power Point Такдимоти. <http://Reja.Tdpu.Uz>
3. Л.Мухторова, М.Мирзаев, М.Норбошева. Ўқув Машғулотларида Таълим Технологиясини Лойиҳалаштириш Ва Режалаштириш. Термиз, 2013. – 44 Б.
4. Ўзбек Тилининг Изоҳли Луғати. 5 Жилдлик. Ii Жилд. Тошкент, “Ўзбекситон Миллий Энциклопедияси” Давлат Илмий Нашриёти, 2006. 672 Б.
5. Effective Lecturing. <http://Cfe.Unc.Edu>. March, 2012.
6. B. Scherokman. Effective Lecture Techniques. <http://Beta.Aan.Com>

7. [Http://Wiktionary.Org](http://Wiktionary.Org)
8. Lakoff R. The Logic Of Politeness: Or Minding Your P's And Q's // Papers From The Ninth Regional Meeting Of The Chicago Linguistic Society, 1973. - P. 292-305.
9. Brown P., & Levinson S. Universals In Language Usage: Politeness Phenomena. - London, 1978.
10. Goffman E. International Ritual: Essays In Face-To-Face Behavior. - New York: Pantheon Books, 1967. - P. 9-10.
11. Goffman E. On Face-Work: An. Analysis Of Ritual Elements In Socialinteraction In Laver And Hutcheson. - New York: Pantheon Books, 1967. - P. 319.
12. Lakoff R. The Logic Of Politeness: Or Minding Your P's And Q's // Papers From The Ninth Regional Meeting Of The Chicago Linguistic Society, 1973. - P. 292-305.
13. Alain Berrendonner. Pragmatic Linguistic Elements (Minuit, 1982).
14. Thomas J. Cross-Cultural Pragmatic Failure. - California: Applied Linguistics, 1983.. - №. 4 (2). - P. 112.
15. Ahrorova, R. U. (2021). Semantic Analysis Of Phraseological Units Representing "Youth" In French And Uzbek Languages. Theoretical & Applied Science, (7), 122-126.
16. Akhrorova, R. U. (2021). The Linguistic Image Of The World And The Gender Aspect Of The Concept Of " Age" In French And Uzbek. Theoretical & Applied Science Учредители: Теоретическая И Прикладная Наука, (9), 585-589.
17. Iskandarova, S. M., & Kakharov, K. S. (2014). The Role Of Nonverbal Means In Communication Of The Different Nations. The Way Of Science, 45.
18. Kaharov, K. S. (2020). Formal And Informal Ways Of Conversation In The German And Uzbek Languages. Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(9), 286-289.
19. Kaharova, M. (2021). Micro Field Of Lexemes Which Denote Uzbek Peoples' holidays And Work Ceremonies. Theoretical & Applied Science Учредители: Теоретическая И Прикладная Наука, (9), 646-648.
20. Kakharov, K. (2021). Use Of " You" And " You"(Polite Form) Parable In Communication Behavior Between Uzbek And German Families. Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(9), 199-203.
21. Kaxarov, Qobil Shuhrat O'g'li (2020) "Forms Of Communication Associated With A Speech Situation," Scientific Bulletin Of Namangan State University: Vol. 2 : Iss. 7 , Article 41.
22. Kaxarova, M. M. (2020). Working On Text. Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(12), 489-491.

23. M.Kakharova, & D.Yusupova. (2022). New Approaches To Lesson Plan. European Journal Of Humanities And Educational Advancements, 3(1), 40-24. Retrieved From [Https://Scholarzest.Com/Index.Php/Ejhea/Article/View/1733](https://Scholarzest.Com/Index.Php/Ejhea/Article/View/1733)
25. Mukhtorovna, Y. S. (2021). Regularly Used Phrasal Verbs German Language. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 673-680.
26. Merganova N. Psychological Basis Of Development Of Speech In A Foreign Language Vol. 10 Issue 12, December 2020.
27. Merganova N. Einsatz Der Kommunikationsstrategien Für Die Förderung Des Sprechens Im Daf-Unterricht.
28. Merganova N. Strategies For The Development Of Oral Speech In German 93-95.
29. Yusupova, S. (2022). Ижтимоий Гурухларда Хурмат Категорияси Ифодалаш. *Science And Innovation*, 1(B5), 350-352.
30. Юсупова, С. А. (2022, September). Ўзбек Тили Типологиясида Хурмат Категорияси. In *International Scientific And Practical Conference" The Time Of Scientific Progress"* (Vol. 1, No. 1, Pp. 10-14).
31. Юсупова, С. А. (2022, September). Ўзбек Тилида Хурмат Ифодалашнинг Лингвокультурологик Хусусиятлари. In *International Scientific Conference" Innovative Trends In Science, Practice And Education"* (Vol. 1, No. 1, Pp. 10-14).
32. Sabohatxon, Y., Zilolaxon, T. Y., & Shaxlo, Y. L. (2022). Expression Of Metaphor In Different System Languages. *Research And Education*, 1(2), 209-212.
33. Ахмаджонов Н. Analysis Of Poetonyms Used In Poetry // International Scientific Journal Isj Theoretical & Applied Science Philadelphia, Usa Issue 12, Volume 104 Published December 30, 2021 P. 509-512 Impact Factor: Philadelphia, Usa Isra (India) = 6.317 Isi (Dubai, Uae) = 1.582 Gif (Australia) = 0.564 Jif = 1.500 Sis (Usa) = 0.912 ринц (Russia) = 3.939 Esji (Kz) = 9.035 Sjif (Morocco) = 7.184 Icv (Poland) = 6.630 Pif (India) = 1.940 Ibi (India) = 4.260 oaji (Usa) = 0.350 (N 23)
34. Ахмаджонов Н. Analysis Of Poetonyms In Prose Works// International Interdisciplinary Research Journal (Giirj) Volume 10, Issue 2, February, 2022 Issn: 2347-6915 Sjif Impact Factor: 7.472 P. 487- 490 (N 23)
35. Ахмаджонов Н., Шукуров Р. Precedent Names In The Artistic Text As Allusive Names //Academicia, An International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Peer Revi Ewed Journal) Issn: 2249-7137 Vol. 11, Issue 8 August 2021 Impact Factor: Sjif 2021 = 7.492. P. 46-52 (N 23)

36. Ахмаджонов Н., Фразеологизмлар Немис Халқи Миллий Маданиятининг Кўзгусидир. Ўзбекистонда Фанлараро Инновациялар Ва Илмий Тадқиқотлар Журнали. 20.08.2022 Issn:2181- 3302. Impact Factor: Sijif 4,62. Б-111 10-Сон